



ТОШКЕНТ ХАЖАТИ

2011 йил
12 январь
ЧОРШАНБА
№ 4
(12.328)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ФАРМОН ВА ИЖРО

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ мамлакатимизда 2015 йилнинг охиригача паспортлаштиришнинг биометрик тизимига ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Абдусаттор МАТКАРИМОВ умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган ушбу тизимнинг афзалликлари, янги ҳужжатларни расмийлаштириш ва янги паспорт бериш жараёни қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берди.

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти – бу мамлакатимиз ҳудудида ва ташқарисда унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади, – дейди А. Маткаримов. – Ҳар бир инсон учун бундай паспортга эга бўлиш ва муқтақил Ватанининг фуқароси ҳисобланиш катта шарафдир. Ушбу ҳужжат фуқаронинг ўз мамлакатига, халқ тақдирини дахлдорлигининг рамзий ифодаси бўлиб, у давлат ҳимоясида эканини қаноғлантиради ва зиммасига Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган юксак номга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклайди. Мамлакатимиз ҳажон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади ва унинг барча халқ

ро мажбуриятига риоя қилиб келмоқда. 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ ушбу ташкилот таркибига кирувчи давлатларга эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсий тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия этилган. Биометрик паспортларни жорий қилишдан қандай мақсадлар кўзланган? Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқ

қаро фуқаро авиацияси таъминлаш, шахсий тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақиллаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсий тасдиқловчи аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиация шифати ва самардорлигини янада яхшилаш, ушбу транспорт тури ҳимоятларида фойдаланувчи йўловчилар учун имкон қадар қулайликлар яратиш мақсадидан жорий этилмоқда. Айни пайтда юздан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган. (Давоми 2-бетда).



Ҳаёт мактаби, деб аталмиш армия ёшларининг жисмонан ва маънан шаклланишларида, жамиятда ўз ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

МАРД Ўғлонлар МАШҚЛАРДА ТОБЛАНАДИ

Дала-ўқув машғулотлари майдони. Офицер Ҳамид Хўжамов хизмат қилаётган ҳарбий қисм шахсий таркиби назарий билимларини амалиётда мустаҳкамламоқда. Тайёргарлик қатъий тартиб асосида бораётган. Ҳар бир топшириқ, вазифа ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мана, шахсий таркиб гарчи, дала шароитида ўқув-машғулотларини ўтказиётган бўлса-да, барча турдаги тайёргарликлар узалишларсиз олиб боришмоқда. Жумладан, жанговар тайёргарлик билан бир қаторда маънавий-маърифий тезкор ахборот етказиш ва тарбиявий ишлар ҳам дастурга мувофиқ ўтиши таъминланаяпти. Юқори кўмондонликдан олинган бўйруққа мувофиқ шахсий таркиб жанговар шай ҳолатга келтирилди. Разведка берган маълумотга биноан шартли душман жойлашган ҳудудни топиш ва уни йўқ қилиш керак. Дастлаб қоидага биноан тегишли тартибда йўриқнома ўтказилгач, ҳар қайси гуруҳга вазифалар тўшунтирилди. Шундан сўнг шартли душман тургани эҳтимол тутилган жойнинг координатлари харитадан белгилаб, олға ҳаракатланишга буйруқ берилди. Муҳандис-кузатувчилар олдинга ўтди. Уларнинг ортида эса мерганлар. Ҳарбий хизмат-

лар – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар Музаффар Эргашев ва Шавкат Юсупов эса бу вақтда ўзларига бириктирилган артиллерия қуролни белгиланган жойга ўрнатиб бўлишди. Уларнинг вазифаси ҳаракатланаётган душман гуруҳлари ва жанговар техникасини масофадан туриб яқсон этишга тайёр туриш. Мўлжалга олганда эса ўта аниқлик билан ҳаракатланиш талаб этилади. Машғулотларни кундузи ва тунги шароитларда ўтказиш, – дейди кичик сержант Абдуваҳоб Гадов. – Ушбу қуролнинг жар, тоғ, чаңгалзорлар каби табиий ёки ихота қилинган сунъий тўсиқлар оша ота олиши топшириқни сифатли адо этишда кўл келади. Ҳалабининг муҳим омили эса бўлимининг жиғислиги ва ҳар ким ўз вазифасини сифатли, тез бажаришидир. Шу тарихга гуруҳларга аниқ ва ишончли ҳаракатланиш учун тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди. Жумладан, узлуксиз алоқанинг мустаҳкам таъминланиши алоҳида уқтирилди. (Давоми 2-бетда).

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

МЕРГАНЛИК УЧУН ИСТЕЪДОД КЕРАК

Маълумки, дала-ўқув машғулотлари ҳарбий хизматчилар маҳорати ва билимининг амалий жиҳатдан мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди. Айни кунларда қайси бир қисмда бўлган, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик бўйича олиб бораётган машғулотларига гувоҳ бўласиз. Оддий аскар Пулат Бекмуродов мурдатли ҳарбий хизматни намунали яқунлаш арасида. Шу кунга қадар у ҳарбий ҳаётга анча кўни-киб, вазифаси ва соҳаси бўйича пухта билимларни эгаллаб олганди. У гуруҳда мерган вазифасида хизмат қилмоқда. Ҳарбий хизмат менга кўп нарса иргатди, – дейди у. – Айни кунларда машғулотларни кўтаринки руҳда давом эттириляпти. Маҳоратимизни, билим ва кўникмаларимизни оширишмоқда. Дала-ўқув машғулотларида фаол қатнашиб, билимларини амалиётда 시наб, янада бой тажрибага эга бўлдим. Қуролли Кучларининг ташкил топганлигининг 19 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни арафасида қўлга киритаётган ютуқларим менга куч-ғайрат ва шижоат бағишлаб, улкан марраларни забт этишга руҳлантиради. Полигондаги нишонга отиш машғулотларида оддий аскар Бекмуродов мерганлик ботида сафдошларига намуна бўлди. У ҳаракатланаётган ва жойида турган нишонларни, шартли душман зирҳли техникасини ҳам аниқ нишонга ола билди. Эввод командири офицер Виджай Холиков оддий аскарнинг ҳаракатларини аъло баҳога лойиқ, деб топди. Машғулотларда қатнашаётган яна бир шунқор, гуруҳ командири сержант О. Рижев кўмондонликдан топшириқ олди. Унинг гуруҳи белгиланган ҳудудда, тоғ даразидан яширинча ҳаракат қилаётган ҳамда қишлоққа бостириб киришни мўлжаллаётган шартли душмани топиш ва йўқ қилиши лозим. Гуруҳ командири кўл остидагиларни йиғиб, яна бир бор қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тўшунтириб, шартли душман тўрисида тулланган маълумотларни етказди. (Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Зангиота туманидаги 58-умумтаълим мактабида "Ўқувчиларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш учун мактаб ошхоналарида иссиқ таомлар ташкил этишни аҳамияти" мавзусида ўқув-машғулотлари ташкил этилди.

ОШХОНАГИЗ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Унда мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда ошпазлар иштирок этишди. Иштирокчилар ўқитувчилардан Зуфия Саидахмедова, Ханифа Юсупова, Гулчехра Ниёзова ва Насибжабберованинг ўқувчиларни соғлом овқатлантиришга доир очик дарсларини кузатишди. Таомларнинг тайёрлаш тартиби, хилма-хиллиги, таомномани тузиш ва ўқувчиларни ошхонага жалб этиш ҳамда санитар ҳолат билан яқиндан танишишди. Хуршида МУМИНОВА.



ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Қибрай туманидаги 50 та умумтаълим мактаби, 41 та болалар боччаси ҳамда 8 та мактабдан ташқари муассасада кўчат экишга оммавий киришилди.

Қисқа фурсатда 4781 туп меваги ҳамда 1650 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Яна 12 минг 800 туп кўчат ва 5 мингта терак қаламчалари тайёрлаб қўйилди. Кўчатларни боғбонлар эмас, 1500 га яқин ўқитувчи ва тарбиячилар экишмоқда. – Бизда иккита "Ёш авлод" ва "Битирувчилар боғи" бор, – дейди 30-мактаб директори Убайдулла Аъзамов. – Умумий майдони 1,2 гектар. Ҳозир эски ва мева бермай кўйган дарахтларни олиб ташлаб, ўрнига 270 туп меваги ва манзарали дарахт кўчатлари эдик. Шундан 70 тупи гилос, 30 тупи олча ва 20 тупи арча. Яқинда мактаб боғи 25 сотихга кенгайди. 150 туп олхўри ва 400 та терак қаламчалари экилса, бу жой бинойидек боғ бўлади. Раҳбарнинг айтишича, боғ 2-3 йилда ҳосилга кираркан. Уша пайтда мева-чевалар мактабнинг боғида ташкил этиладиган ёзги оромгоҳда дам оладиган қишлоқ фермаларига ҳамда ўқитувчиларга тарқатилади. Органи эса, бозорга олиб чиқилади. Даромад мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланади. Хуршида НАЗАРОВА. СУРАТДА: 30-умумтаълим мактабида кўчат экиш қизини паллада. Даврон АХМАД олган сурат.

ВИЛОЯТ ХАЁТИ
ҚИБРАЙ ТУМАНИ
«КАМОЛОТ»ЧИЛАР САЁХАТИ
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ўз аъзолари ва фаоллари учун пойтахтга саёхат уюштирди. Улар Мустақиллик майдонида бўлишиб, Бахтиёр ва Мотамсаро она хайкаллари пойига гуллар қўйишди. Шунингдек, Катагон қурбонлари мажмуасида олам-олам таассурот олишди.
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ
ҲАРБИЙ ҚИСМДА МЕҲМОНДА
"Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда тумандаги ҳарбий қисмда "ОИТС ва соғлом турмуш тарзи" мавзусида сўхбат уюштирди.
Ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирок этган тадбирда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этишнинг аҳамияти ҳақида илмий-оммабоп маърузалар тинланди.
Саид АСКАРОВ.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ
БОЛАЛАРГА ТУҲФА
"Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 25 фарзандини "Бўстон" санаторийсига соғломлаштириш учун бош-қош бўлди.
Шунингдек, жамғарма ўқувчиларнинг вилоят соматик-ихтисослаштирилган касалхонасида даволаниши учун ҳам амалий ёрдам кўрсатди. Бу ерда болажонлар нафқат даволанишида, балки қишқи таътилни кўнгидагидек ўтказишлари учун турли байрам ва маърифий-маънавий кечалар ташкил этилди.
Абдулла ФАЙЗИЕВ.

БЕКБОДОТ ТУМАНИ
ЯККА БИЗНЕС РИВОЖДА
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллида Меҳнатобод қишлоғида яшовчи Гулшайм Тошбаева озиқ-овқат маҳсулотлари билан яққа тартибда чакана савдо ташкил этиб, хусусий бизнесини бошлади.
– Умуман, бугунги кунда Зафар шаҳарчаси ва қишлоқларимизда 345 киши яққа тартибда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан машғул, – дейди туман ҳокимлиги тадбиркорлик фаолиятининг рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи Абдумалик Охунов. – Фақат сўнгги пайтда ўндан ортиқ жисмоний шахс рўйхатга олинди.
Жўрабек МУРОДОВ.

"ОСИЁ КУБОГИ - 2011"

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ЧИРОЙЛИ ҒАЛАБАСИ

Одил Аҳмедов "Осиё кубоги - 2011" мусобақасининг дастлабки голи муаллифи бўлди



МАЪНАВИЯТ

«КЎРМАЯПСИЗМИ, ГАПЛАШАЯПМАН-КУ...»

Алло, алло, Хомид, эшитясанми, — деди йигит кўнгироққа жавоб бераркан. — Эшитясанми, алло, — яна бақирди у. — Е таваба, нима қиляпсан, намунча бақирасан, — деди йигитнинг ёнида ўтирган қария. — Кўрмаясизми, гаплашяпманку, — йигит гапда давом этди. — Шунаякам бўладими болам, утакамни ёрай дедим-ку. — Эшитилмасан нима қилай амаки, энди сиздан рухсат сўрайми?

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Тошкент вилоятининг ўзига хос ажойиб архитектура ёдгорликлари бекбёк тарихий қийматга эга. Уларнинг шарофати билан вилоят халқро сайёҳлик тармоғини муваффақиятли ривожлантириши, дунёнинг энг йирик мамлакатлари мутахассислари ва кўна ёдгорликлар ишқибозларини юртимизга янада кўпроқ жалб этиши мумкин. Занги ота, Қизил Мозор, Хаси Бузург каби ўхшаш йўқ меъморий мерослар хориз сайёҳлар эътиборини тортган асосий объектлар бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Занги ота мажмуаси — вилоятнинг энг йирик архитектураси ёдгорлиги. У Тошкентдан Самарқандга ва ундан нари — республиканинг жанубий вилоятларига элтувчи марказий йўллардан бирида жойлашган. Бугина эмас. Занги ота — Урта Осиё ёдгорликларининг бири. Занги ота — Урта Осиё ёдгорликларининг бири. Занги ота — Урта Осиё ёдгорликларининг бири. Занги ота — Урта Осиё ёдгорликларининг бири.

ЗАНГИ ОТА



Занги ота мажмуаси ҳудуди ҳам зиёрат, ҳам Рамазон ва Курбон ҳайитлари байрам қилинадиган жой эди. Мажмуа атрофидаги кенг жойларда эса халқ Наврўз ва ҳосил байрами каби бошқа тадбирларни нишонларди. Занги ота — халқ меъморчилигининг ҳақиқий жаҳоити. Шуниси диққатга сазоворки, у юксак ҳуқумат даражасида авайлаб-асралмоқда ва кенг қўламда фойдаланилмоқда. Яқинда мажмуани қайта тиклаш ва тартибга келтириш тадбирлари мукамал амалга оширилди.

Уша даврда жуда оғир ва мураккаб эди. Мўғуллар истилосидан сўнг Шов ва Мовароуннахрининг қўллаб-қўллаганлари ночор аҳволда қолди. Шу боис одамларнинг қайфиятини кўтаридиган, руҳлантирадиган Занги ота каби зукко ва инсонпарвар кишилар сув билан ҳаводек зарур эди. Ҳаётни қайта ўнгириш учун ҳамма бирдек меҳнат қилиш лозим эди. Зеро, фақат меҳнатгина одамни ёруғликка олиб чиқади, куч-қудрат бағишлайди.

Тўғри, бунинг жуда кўп қулайликлари бор. У орқали истаган одамимизни бир зумда топа оламиз. Аммо, ҳамма ҳам шу мақсадда телефон ишлатармикан? Бундай савол билан ота-оналарга мурожаат қилганимизда, "ахир фарзандим қаерда, нима қилапти, билишим керак-ку", деган жавобни олдик. Лекин нега улар фарзандларининг соатлаб гаплашишларини-ю, телефонга турли бўлмағур видеотасвир ва суратларни тушириб олиб, томоша

АЙТИШЛАРИЧА...

Ер сайёраси меъёрни билиб, бир текисда ҳаракатлангани учун ҳам миллиард йшлардан бери ҳаракатдан тўхтамайпти.

РАССОМ ХАНДАСИ



Зангиота туманида рўйхатга олинган "SKAUT BIZNES" МЧЖ (ИНН 205349860) ТУГАТИЛАДИ. Давволат эълон чоп этилган кундан бошлаб Зангиота тумани, Набиев кўчаси, 24-уй манзилида қабул қилинади. Тел.: (+99897) 119-96-16.

ООО "EMIR TEKSTIL" (ИНН 301542851) соошсаёт об уменишени уставно фонда с 42 816 205.70 сумов до 41 896 205.70 сумов. Основаение: протокол вночередного общего собрания участников ООО "EMIR TEKSTIL" от 10.01.2011г. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, пл. Чорсу, 3-А.

Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси, 11-уй, 114-хонадонда жойлашган "PRO-AKVA.UZ" масъулияти чекланган жамиятига тегишли 2010 йил 17 майда Давлат кадастри томонидан берилган ТА 0970480 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "SHIRIN YURT QANDOLAT" (ИНН 301365043) зарегирированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенного по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, ул. Катта бот, дом 107. ЛИКВИДИРУЕТСЯ (приказ № 1 от 03.01.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

Шайхонтохур тумани, Жарадиқ мавзеси 9-уй, 78-хонадонда яшовчи Пахритидинова Гульсара Халимджановна номига 1999 йил 2 мартда берилган уй плани йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Пискент тумани 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1991 йилда Қаримова (Шокирова) Мухтазар Йигиталиевна номига берилган А № 468747 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьяный импортный контракт № 45 от 30.06.2009 г. и контракт № 81/1 от 17.06.2009 г. принадлежаче частному предприятию "XABIBULLO GLOBAL" Ташкентской области, Ташкентской области, Ташкентской области. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

С. Рахимов туман хокимияти томонидан "ALON" уй-жой мулкдорлари ширкати номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Рахимов туман хокимияти томонидан "FAROBIV" уй-жой мулкдорлари ширкати номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.